Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 18 июнь, чоршанба • № 48 (10.926) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИКЛАРИ АППАРАТИ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш ва унинг бозор усулларига асосланган замонавий тамойилларини ҳаётга кенг жорий этиш, бошқаришнинг тармоқ тизимидан функционал тизимига ўтишни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппаратида бошқаришнинг тармоқ тизимидан функционал тизимга ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппаратлари ташкилий тузилмаси ва масъул ходимларининг чекланган штатлари сони тасдиқлансин.

3. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппаратига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

— ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳукумат дастурларини амалга ошириш, халқ хўжалиги тармоқларида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва халқ фаровонлигини оширишни таъминлаш;

— жойларда хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш, молия ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;

— табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш тадбирларини амалга ошириш;

— қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси ва халқ депутатлари кенгашлари қарорларининг ижросини таъминлаш;

— вазирликлар, республика идоралари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

— маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ишини назорат қилиш.

4. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тизимида ахборот-таҳлил гуруҳлари ташкил этилсин ва уларнинг иш фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 16 апрелдаги 199-сон қарорига мувофиқ олиб борилсин. Ахборот-таҳлил гуруҳи бошлиғи мақомига кўра ҳокимнинг ўринбосарига тенглаштирилсин.

5. Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ахборот-таҳлил гуруҳининг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

6. Ахборот-таҳлил гуруҳининг асосий вазифалари қилиб қуйидагилар белгилансин:

— ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишини ташкил этиш, уларнинг туман ва шаҳарларда ўтказилиш мониторингини амалга ошириш;

— Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастурларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш ва уларнинг изчиллик билан амалга оширилишини таъминлаш;

— вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимлиги котибиятлари, гуруҳлари ва бошқа бўлинмаларининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

— ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар боришини таҳлил қилиш ва мунтазам равишда Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимият раҳбариятига ахборот бериб туриш.

7. Қуйидагилар вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари котибиятларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

— ҳудудларда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурларнинг амалда бажарилишини таъминлаш;

— ҳокимият муҳокамасига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳоким ва унинг ўринбосарлари кўриб чиқиши учун мутахассислар томонидан ишлаб чиқилишини ташкил қилиш;

— ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқларига биноан ҳокимликнинг қарор лойиҳалари ва бошқа тегишли ҳужжатларини тайёрлаш;

— юқори ташкилотлар ҳамда ҳокимият қарор ва фармойишларининг маҳаллий бошқарув органлари ва идоралари томонидан ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

— котибият ваколатига тааллуқли масалалар бўйича таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш ва ҳокимликка тушган ахборот, таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш.

8. Белгилаб қўйилсинки, ҳокимликлар котибиятларида тайёрланадиган қарорлар лойиҳалари ва ҳужжатлар ахборот-таҳлил гуруҳи томонидан албатта маъқулланган бўлиши керак.

9. Вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳудудий коммунал-фойдаланиш бошқармалари бошлиқлари мақоми бўйича, тегишли равишда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарларига тенглаштирилсин.

10. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати ва бошқарув органлари ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш бўйича гуруҳлар жадвали ва тариф разрядлари тасдиқлансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 17 июнь.

Галла мустақиллиги учун

Бекобод туманидаги «Далварзин» жамоа хўжалигида ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этяпти. СУРАТДА: кунлик ўримда юқори натижаларга эришаётган комбайнчи Мўминжон ТЎЙЧИЕВ.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Тошкент туманидаги «Тошкент» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ғалла ўрим-йиғимининг 7-кунида дастлабки режани бажаришди. Битта «Кейс» ва 2 та «Енисей» комбайнлари хўжалик ғаллазорларида ишламоқда. Ҳали 30—35 фоиз ҳосил далада турипти. Ҳозирча давлатга 530 тонна дон топширилди. Муваффақиятга Худойберган Тошмуродов, Омонгелди Абдусатторов, Николай Подлибоев кабилар бошлиқ ширкатлар катта ҳисса қўшишди.

Ўрим-йиғим давом этмоқда.

Саъдулла МАТЁҚУБОВ.

• Ўтган куни вилоят ғаллазорларида 290 та «Нива», шу жумладан, 35 та «Кейс» комбайнлари ишлади. Улар билан бир кунда 1931 гектар ердаги, мавсум бошидан бери эса 9700 гектарга яқин майдондаги ғалла ўриб-янчиб олинди.

• Хирмонларга 30 минг 33 тонна сара дон тўкилди. Ҳар бир гектар майдондан олинган ҳосил 31 центнерни ташкил этди. Ҳар бир комбайннинг бир кунлик иш унуми 6,7 гектарга, «Кейс» комбайнлариники эса 16 гектарга етди.

• Ғалла ўрим-йиғими ва дон тайёрлаш Чиноз, Бўка, Бекобод, Янгийўл туманлари хўжаликларида уюшқоқлик билан бормоқда. Чиноз туманида шу кунгача 2053, Бўка туманида 1158, Бекобод туманида 1999, Янгийўл туманида 1411 гектар майдонлардаги ғалла ҳосили ўриб-янчиб олинди.

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабар қиладилар

ЖАҲОН БОЗОРИГА

ВИЛОЯТИМИЗДА ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқаётган корхона ва ташкилотлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

БУГУНГИ кунда вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг Италия, Нидерландия, Швейцария, Бельгия, Буюк Британия, Россия сингари кўплаб ҳорижий давлатларга жўнатилаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Яқинда ўз молини экспорт қилувчи корхоналар сафи яна биттага ортди. Ўртачирчиқ туманидаги «Белк ЛТД» фирмаси май ойида Россияга 59 минг, Қозоғистонга 13 минг АҚШ долларидан ортиқ маҳсулот жўнатди. Шунингдек, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, Чирчиқдаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам ўз маҳсулотларини экспорт қилишни тобора кенгайтириб бормоқдалар.

Умуман вилоятда йилнинг беш ойида экспорт ҳажмининг ўсиш суръати 147 фоизни ташкил этди.

Ф. ФАТТОҲОВ.

ОҚ ЙЎЛ, «АЁЛ ОЛАМИ»

Вилоятимизда яқиндан бошлаб вилоят хотин-қизлар қўмитасининг нашри — «Аёл олами» номли газета чиқа бошлади. Унинг 1-сони шаҳар ва туманларда кенг тарқалди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова, Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев, «Ташкентская правда» газетасининг бош муҳаррири Аъло Хўжаевлар чоп этилган табрикномаларида аёлларимизни янги газета билан қутладилар ва мазкур нашр хотин-қизларимизнинг жўшқин ҳаётини кенг ёритиб боради, деб ишонч билдирдилар.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокими муовини Сайёра Хўжаева «Ҳали қиладиган ишларимиз кўп» сарлавҳали мақоласида ғазета ва хотин-қизлар олдида турган долзарб вазифалар хусусида батафсил тўхталган. Республика академияси тарих институти бўлими мудири, тарих фанлари доктори Дилором Алимова, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшовчи ўқитувчи Саноат Маҳмудова ва бошқалар ўз мақолаларида давлат, жамият, оила, таълим-тарбия, аёл ва ҳуқуқ мавзуларида фикр юритганлар.

Расмлар, ранглар билан безаб чиқарилган «Аёл олами»нинг дастлабки сони газетхонлар оммасини хушнуд этди. Оқ йўл, «Аёл олами!»

Раҳмон БЕРДИЕВ.

ҚЎШИҚЛАРДА ҚОЛГАН БАСТАКОР

Яқинда Тошкент вилоят маданият ишлари бошқармаси илмий-услубият маркази ходимлари «Барҳаёт сиймолар» туркумидан Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Тўхтасин Жалилов ва унинг сулоласи асарлари ижрочиларининг вилоят кўрик-танловини «Ўзбекистон миллий боғи»да ташкил этди. Унда вилоятнинг бадиий ҳаваскорлик жамоалари қатнашдилар.

Танловда устоз санъаткорлар яратган ва севиб ижро қилинган, тингланган куй ва қўшиқлар бугунги кунда ҳам ўз мавқеини сақлаганлиги яққол намоён бўлди. Ҳайъат аъзолари бир овоздан фахрли биринчи ўринни ўртачирчиқлик Санобар Сатторовага, иккита иккинчи ўринни Зангиота тумани «Ҳосил» халқ дастаси, хонандалар Абдуваҳоб Одилов ва Рисолат Ражабовалар, учта учинчи ўрин эса пскентлик Ҳасан Абдуллаев, паркентлик Шаҳло Рўзиева, Олмалиқ шаҳридан Дилноза Исмияминоваларга муносиб деб топилди.

Ғолиблар вилоят маданият ишлари бошқармасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Улар республика кўрик-танловига йўлланма олишди.

Саодат ЗАЙДЕНОВА.

Республика мустақиллигининг олти йиллиги олдидан

ЯНГИ ЙЎЛ ОЧИЛГАН КУН

ХАЛҚИМИЗ ўз истиқлолининг олти йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Жойларда бу катта тўйга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Аслида шундай бўлиши ҳам керак. Чунки, бу кун бизга янги истиқбол, янги ҳаёт, янги дунёқараш, янгича яшаш йўлини очиб берди...

ЯҚИНДА бир маҳалладошимни учратиб қолдим. У яп-янги «Нексия» миниб олган эди. Уни машина билан қутладим.

— Ҳа, ака, мана, мустақиллик туфайли кўкрагимизга шамол тегиб қолди, — деди у мамнун жилмайиб. — Икки киши бир гектар иссиқхонани ижарага олиб ишладик. Ўтган йилги даромаддан уй-жойни таъмирлатдим, бу йилги ҳосилдан, мана, машина олдим. Энди ана шу иссиқхонани сотиб олмоқчимиз.

Биз одатан мустақиллик шарофати ила ундай бўлди, бундай бўлди, дея ёзишга интиламиз. Умуман бу гаплар тўғри. Мамлакатимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй бермоқда. Лекин, шу биргина оддий инсон билан суҳбат асносида мен истиқлолнинг, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини кашф этгандек бўлдим. Зеро, мамлакатимизда мустақилликнинг бундай шарофатидан, самарасидан баҳраманд бўлмаган киши йўқ аслида.

Тасаввур қилинг. Илгари тўлиқ давлат ихтиёрида бўлган вилоят саноатида ишлаб чиқарилган умумий маҳсулотнинг 47,5 фоизи бугунги кунда нодавлат секторда тайёрланмоқда. Хусусийлаштириш жараёни тобора кенгайиб бормоқда, мулк шакли тубдан ўзгармоқда. Жамиятимизда янги — мулкдорлар синфи шаклланмоқда. Биргина 1997 йилнинг беш ойида вилоятда яна 24 та мулк шаклига давлат далолатномаси берилди. Уларнинг 15 таси очиқ ҳиссадорлик жамиятларига, 4 таси шахсий мулк, 5 таси бошқа мулк шаклларига ўтказилди. Шу давр мобайнида вилоятдаги мавжуд 368 та ҳиссадорлик жамиятларининг 256,6 минг дона қимматбаҳо қоғозлари сотилди. Бугунги кунда бизга маълум қилишларича, вилоятдаги ҳар бир учинчи киши қимматбаҳо қоғоз эгасидир.

Ўтган йиллар берган мевалардан яна бир салмоқлиси — одамларнинг дунёқараши тубдан ўзгарганлигидир. Улар излана бошладилар. Ўз имкониятларини намоён эта бошладилар. Ҳозирги кунда вилоят шаҳар ва туманларида 11,5 мингдан ортиқ тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. 2300 дан зиёд деҳқон-фермер хўжаликлари маҳсулот бермоқда.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очилаётганлиги туфайли аҳолини янги иш жойлари билан таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг янги бўғинларини ривожлантиришда ажойиб самараларга эришилмоқда. Ана шулар ҳисобига вилоятда беш ой давомида режалаштирилган 9800 ўрнига салкам 14 мингта янги иш жойлари барпо этилди. Бунинг 9,5 минги қишлоқ жойларида очилди.

Хусусий ва ўрта корхоналарнинг ички бозорни тўлдириш, аҳолини энг зарур истеъмол моллари билан таъминлаш ҳамда хизмат кўрсатишдаги салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Беш ой давомида турли мулк шаклидаги корхоналар, тадбиркорлик тизимлари ва ёрдамчи хўжаликларда истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан беш фоизга ўсганлиги буни яққол кўрсатиб турипти. Пуллик хизматлар кўрсатишда нодавлат секторнинг салмоғи 47,5 фоиз, маиший хизматда 92,8 фоизни ташкил этди.

Биз бу рақамларни бежиз келтирмадик. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда ислоҳотлар йўлининг, тамойилларининг нақадар тўғри ишлаб чиқилганлигини кўрсатмоқда. Давлат бош ислоҳотчи сифатида янги йўлни қўллаб-қувватлашга, одамларга зарур шарт-шароитни яратиб беришга ҳаракат қилмоқда. Янгича мулкчиликни шакллантириш, ўрта ва хусусий корхоналарни, деҳқон-фермер хўжаликларини, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган мамлакатимиз Президентининг фармонлари ва республика ҳукуматининг қатор қарорлари бугун ўз натижасини бермоқда. Аста-секинлик билан бўлса-да, одамлар боқимандаликдан халос бўлмоқдалар.

Юқоридаги суҳбатдошимиз ана шу имкониятлар ва имтиёзлар мевасидан баҳраманд бўлган халқнинг оддий вакили. Ниятимиз: ана шундайлар сафи кенгайсин. Ҳаммамиз ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чиқариб, олдимизда турган катта вазифаларни амалга ошираверайлик. Истиқболда қилинадиган ишлар эса ҳали жуда кўп.

Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

Бу сонда:

3-БЕТ
КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ
«Оққўрғон» ширкатлар уюшмаси маҳсулотларига «Интерконтинентал» меҳмонлари тан беришди

2-БЕТ
«КИБО» — БОЛАЛАРГА
Чирчиқда Ўзбекистон—Олмония қўшма корхонаси пойабзаллар ишлаб чиқара бошлади

4-БЕТ
ТАРОЗИ — ВИЖДОН РОЗИ!

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК — ЖАҲОН БАРҚАРОРЛИГИ КАФОЛАТИ

(Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобини ўқиб)

ДУНЁ халқларининг тарихида ўчмас из қолдирадиган XX аср ҳам ниҳоясига етмоқда. Кейинги ўн йилликда она заминимизда юз берган, жаҳоннинг жўғрофий-сиёсий тузилишини, ҳатто сиёсий харитасини бутунлай янгилаган ўзгаришлар бугунги кунимиз ва келажак учун бевосита таъсир кўрсатади. Президентимиз ана шундай жараёнлар хусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдириб, XXI аср мустақил юртимиз учун қандай келади, халқимиз турмуши кечагидан қанчалик яхшироқ бўлади, танлаб олган ислоҳотлар ва янгиланиш йўли яна қандай вазифаларни ўртага қўймоқда, каби саволларга илмий-амалий нуқтаи назардан жавоб берганлар.

Асарда халқимизнинг бой маънавий қадриятларини давом эттириш ва бу борадаги асосий вазифалардан бири миллий ўзликни англашнинг тикланиши эканлиги алоҳида таъкидланган. Мустақилликка эришганимиздан бери орадан ўтган қарийб олти йил мобайнида янги давлатчилик тизимини шакллантириш соҳасида муҳим сиёсий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Айниқса, демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасида жиддий илгари силжишлар амалга оширилди. Ўзбекистон раҳбари ёш давлатимизнинг ҳуқуқий тузилмалари хусусида тўхталиб, мустақиллик аввало ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбия ва ҳар бир фуқаро ўз эрки, бурчи, масъулиятини англаб етиш ғояси билан чамбарчас боғлиқ эканлигига эътиборни қаратади.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг салоҳияти унинг маънавий дунёси, хусусан ўша мамлакат халқининг ўтмиши, бугунги куни, жаҳон миқёсида қай даражада эъзозланаётганлиги билан ўлчанади. Шуни унутмаслик керакки, маълум бир давлатнинг иқтисодий мавқеи ҳам алоҳида ўринга эгадир. Китобда айнан ана шу жиҳатлар кенг ёритилиб, Ўзбекистонимизнинг жаҳон иқтисодий интеграцияси жараёнидаги улуши ва қолаверса амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида энг йирик иқтисодий марказлар, жаҳон банклари томон йўл очилганлиги таъкидланган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг олиб бораётган минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик сиёсати жаҳон ҳамжамияти билан яқинлашишга олиб келди. Президентимизнинг китобидан бу масала бўйича жуда кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар яхши ривожланмоқда. Ўтган йили ўзаро муносабатларни такомиллаштириш борасида бир қатор муҳим ишлар қилинди. 1996 йил февраль ойида Европа иттифоқи Кенгаши шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим тузиш юзасидан Ўзбекистон билан ташқи ишлар вазирлиги даражасида музокаралар бошлаш ҳақида қарор қабул қилди. Ўша йилнинг 21 июнь куни эса Флоренцияда (Италия) йирик халқаро ахдномага эришилди. Шу тариқа Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари ичида Россиядан кейин иккинчи бўлиб Европа иттифоқи билан шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим имзолади.

Бу халқаро анжуманнинг аҳамияти нимада, деган савол туғилиши мумкин. Ўзбекистон раҳбари ўз асарида Европа Иттифоқининг дунё миқёсидаги ўрнига алоҳида муносабат билдириб ўтади. Ҳақиқатан ҳам Флоренциядаги йирик анжумандан кейин Ўзбекистон ташқи сиёсатининг йўналиши анча кенгайди — ушбу йўналиш Европадаги айрим мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишни ҳам, шунингдек, бутун Европа қитъасини ҳам ўз ичига олади.

Асарда Марказий Осиёнинг иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий, экологик ҳамда миллий — этник муаммолари ҳам чуқур таҳлил этилган. Бу соҳада юртбошимиз уч йўналишдаги саволларга тўлиқ жавоб берганлар. Яъни: минтақада хавфсизликни сақлаб қолиш мумкинми? 60 миллионли аҳоли истиқомат қилаётган маконда барқарорликни таъминлаш йўллари қандай? Тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин?

Ана шундай ўта муҳим саволлар атрофида чуқур назарий хулосалар чиқарилиб, қуйидаги фикр айтилган: «Бир нарса равшанки, барқарорлик ва жўғрофий-сиёсий мувозанат сақланиб қолган шароитдагина бу минтақа жўшқин ва собитқадам ривожланади, жаҳон ҳамжамияти учун муносиб шерик бўла олади».

Мазкур асарнинг оддий, халқона тилда, тушунарли қилиб ёзилганлиги барчага маъқул бўлади, деб ўйлайман. Китобда илгари сурилган ғоялар миллий истиқлолимиз, ташқи сиёсий дипломатиямиз тинчлик мақсадларига қаратилганлигини асослаб берган. Муаллиф китобда мамлакатимиз, миллатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигига, янгиланиш ва тараққиёт йўлига, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлига солинаётган таҳдидлар нималардан иборат эканлигини таҳлил этар экан, ўзининг чуқур мантиқий хулосаларини чиқаради. Дарҳақиқат, китобда таъкидланганидек, «Янги минг йилликка йўл очиб берар эканмиз, ҳаммага дўстлик ва ҳамкорлик қўлини чўзамиз. Хавфсизлик, барқарорлик ва собитқадам ривожланиш деган сўзлар бунинг рамзидир. Чунки, айнан ана шу тушунчалар ҳар бир мамлакатнинг тинчлиги, фаровонлиги, равнақи учун мустаҳкам пойдевор яратади. Сайёрамизда жўғрофий-сиёсий мувозанатнинг ажралмас шарти бўлиб қолади. Бу ҳар бир инсонга келажакка дадил ва ишонч билан қараш ҳуқуқини беради».

Гуландом РАҲИМБЕРГАНОВА,
Тошкент Давлат юридик институтининг ўқитувчиси.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ

Хабар қилинганидек, Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев 18-19 июнь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Тарихи ва маданияти қадимдан бир-бирига туташ Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги алоқалар равнақи ҳозир ҳам ҳар икки томон учун бирдай муҳимдир. Шу маънода Озарбойжон раҳбарининг мазкур ташрифи ҳар икки мамлакат учун алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, замон билан ҳамқадам юриш, ўзаро ҳамкорликда шу кунгача амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш ва сиёсату иқтисод майдонида юзага чиқаётган янгича мезонлар асосида бордикелдини мустаҳкамлаш учун шундай ташрифлар зарурлиги табиий.

Ўз мустақиллигини қўлга киритган давлатлар, янги миллий инфраструктура тузилмаларини яратиш, мамлакатни собиқ тоталитар режими мерос қолдирган иллатлардан халос этиш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш каби аниқ мақсадлар сари қадам ташладилар. Озарбойжон Республикаси танлаган йўл ҳам айни шу мезонлар билан ўлчанади. Умуман, Озарбойжон учун мустақилликнинг дастлабки йиллари жуда оғир кечгани маълум. Бир неча йиллар давом этган сиёсий беқарорлик мамлакат иқтисодий ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Давлат тепасига Ҳайдар Алиевдек дунё кўрган, тажрибали сиёсатчи келгач, талотўплар ҳовури тиниб, мамлакатда туб сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Натижа шу бўлдики, қисқа вақт ичида Озарбойжон иқтисодий юксалиш йўлига кирди.

Озарбойжон МДҲ давлатлари ичида иқтисодий салоҳияти катта саналадиган республикалардан биридир. Бунинг асосий сабаблари сифатида мамлакатнинг ерости заҳираларига бойлиги, саноати ва қишлоқ хўжалиги яхши ривожланганини айтиш мумкин. Хусусан, Озарбойжон ёқилғи заҳираларига бойлиги жиҳатидан дунёда олдинги давлатлар сирасига киради. Бироқ, тўрт йиллик уруш, мамлакатда ҳукм сурган сиёсий беқарорлик ана шу имкониятларни ишга солишга тўсиқ бўлди.

Шу ўринда, бир фикр кўнгилдан кечади: халқимизда «Бошидан ўтган табиб», деган нақл бор. Тинчлик, хотиржамлик, деган тушунчалар қанчалик лазиз эканини бугун ҳар бир Озарбойжон фарзанди юрак-юракдан ҳис этади, идрок қилади.

Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгандан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар жараёнида «сокинлик» кузатилди. 1996 йил май ойида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегациясининг Кавказорти республикалари, хусусан, Озарбойжонга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди. Бўлиб ўтган музокаралар чоғида томонлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган талай ҳужжатлар имзоланди. Айниқса, иккала мамлакат Президентларининг Ўзбекистон ҳамда Озарбойжон республикалари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолагани мазкур ташрифнинг асосий мазмунини ташкил этди, десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, солиқ, божхона, ҳаво йўли, автомобил ва темир йўли алоқалари, юк ташиш, сайёҳлик ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорликка оид йигирмага яқин ҳукуматлараро ҳужжатлар ҳам имзоланган эди. Айни пайтда бу ҳужжатлар ҳаётда ўз амалий ижросини топаётгани ҳам мақсадларимиз муштараклигининг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон — Озарбойжон

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири коммуникация экани маълум. Давлатимиз раҳбарининг Кавказорти республикаларига ташрифи чоғида ҳам Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатларининг мустаҳкамланишида коммуникация — халқаро Транскавказ йўлагини барпо этиш жуда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Ислом Каримов ушбу масалага алоҳида тўхталар экан, Ўзбекистон Боку портларини таъмирлаш учун сармоя киритишга тайёр эканини айтган эди. Албатта, бунинг асосий сабаби Ўзбекистоннинг Европага чиқиши учун Озарбойжон портлари қулай восита эканида кўринади.

Шу ўринда яна бир муҳим ҳужжатни эслаб ўтиш керак. Яъни, 1996 йил Сарахсда (Эрон) Туркманистон, Ўзбекистон, Озарбойжон ва Грузия ўртасида имзоланган битим биз юқорида айтган коммуникация масаласида муҳим силжиш бўлди. Қолаверса, Марказий Осиё ҳамда Кавказорти мамлакатлари ЭКО доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилаётир. Бунда Ўзбекистон билан Озарбойжон, шунингдек, ташкилотга аъзо бошқа мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари эса коммуникация тармоқларини, савдо алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқдир.

Юқорида айтилган гаплар чуқур асосга эга. Зеро, орзулари бир-бирига эш бўлган Озарбойжон ва Ўзбекистон халқлари ўзининг фаровон келажагига асос солишдек эзгу мақсадлар билан қадам ташламоқда. Бу йўлда эса ҳамжиҳатлик билан иш кўриш, албатта, хайрлидир. Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг мамлакатимизга расмий ташрифи халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.



«КИБО» — БОЛАЛАРГА

Чирчиқдаги Ўзбекистон-Олмония қўшма корхонаси болаларга мўлжалланган пойабзаллар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқда.

КОРХОНАДА тайёрланаётган оёқ кийимлар харидоргирлиги билан ажралиб туради, бежирим, замонавий талабга жавоб беради. Унинг ишга тушганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин, бозордаги ўз мавқеини кун сайин мустаҳкамлаб бормоқда. Рақобатбардош, сифатли пойабзалларнинг харидорлари тобора кўпаймоқда. Шуни ҳисобга олиб, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Шу кунларда буюртмачиларга кунига 12 турдаги 700 жуфтга яқин пойабзал етказиб берилмоқда.

Куни кеча корхонада тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов, Олмония Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Рейнхард Биндзайлю, вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Асатов қатнашдилар.

Суратларда: тақдимот маросимидан лавҳалар.

Умид АҲМАД.

Юқоричирчиқда анжуман

ДУНЁ БЕШИГИН АЛЛАЛАГАН

Юқоричирчиқ туман ҳокимлигининг катта мажлислар залида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Камолот» жамғармаси туман бўлимлари ташаббуси билан «Аёл ва ислом дини» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Анжуманни туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким муовини Муборак Мирсалимова очди.

— Аёл дунё бешигини тебратади, деган қадимий бир ҳикмат бор. Адолат ва маърифатдан дунёга дарс берган, миллат ва ватан шуҳратини дунёга достон қилган соҳибқирон Амир Темур, Абу Али ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Чўлпон каби улуғ аждодларимиз ақлу закосининг жаҳоний парвози ҳам оналар меҳрининг, оналар дуоларининг ижобатидир. Ватанга содиқ, ўз сўзида собит, юрт шуҳратига шуҳрат қўшадиган, маънан юксак, нодир салоҳият эгаси бўлган фарзандларни, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш барча аёлларимиз, оналаримизнинг олий ниятидир, — деди ўз сўзида М. Мирсалимова.

Шунингдек, анжуманда «Саксонота» жоме масжидининг имоми хатиби Камолхон Орифхон ўғли, Янгибозор жоме масжидининг имом хатиби Сирожиддин Камолхон ўғиллари қатнашчиларнинг саволларига жавоб беришди. Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг доценти, фалсафа фанлари номзоди Жамила Шермуҳамедованинг иймон ва эътиқодга бағишланган маърузаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Бизнинг шарҳ

ЕР СОЛИҒИ: ЎЗГАРИШЛАР БОР

ЯНГИ давр узоқ йиллар давомида ваҳшийларча талаб келинган бебаҳо бойлик — ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда. Эътиборсизлик оқибатида катта ер майдонларини шўр босди ва сизот сувлари ер юзасига яқинлашиб қолди, натижада ерости ва ерусти сув манбалари ифлосланиб, истеъмолга яроқсиз ҳолга келди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, биринчи навбатда ризқ-насибамиз манбаи бўлган ерни соғломлаштириш, уни асраб-авайлаш юзасидан дадил қадамлар ташланди. Ўзбекистон Республикасининг «Ер солиғи тўғрисида»ги қонуни, Республика Президентининг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. Улар ижросини таъминлаш солиқчиларнинг диққат марказида турипти.

— Солиқлар табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг онгига тезкор таъсир этиш имконини берибгина қолмай, айни пайтда кескин бўлиб турган иқтисодий муаммолар ечимини топишда муҳим омил вазифасини ҳам ўтайди, — дейди Давлат солиқ қўмитаси табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиққа тортиш услубияти бошқармаси бошлиғи Айдарбек Ахметов. — Ер солиғи ставкалари инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ҳар йили бир ярим баробарга ортиб боради. Бу йил шундай бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 декабрдаги 469-қарори билан ер солиғи ставкалари ўтган йилдагига нисбатан, ўртача бир ярим баробар ошди. Қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган ерлар учун солиқ ставкалари 100 балли тизим бўйича ерларнинг бугунги аҳволи ҳисобга олинган ҳолда белгиланди. Табиийки, катта даромад энг унумдор ерлардан олинади. Лекин мелиоратив ҳолати яхши бўлмаган 40 баллгача банитетли деб баҳоланган майдонларнинг ҳар гектаридан 10-12 центнергача пахта ҳосили олиш мумкин холос. Бундай ерлар кўп ҳаракат ва меҳнат талаб қилади. Пировардида маҳсулот таннархи ошиб кетади. Шу боисдан бундай ерлар учун солиқ ставкалари ўтган йилдаги даражада қолди. Унумдорлиги юқори бўлган ерлар учун эса ставка 1,2 дан 2,2 бараваргача оширилди. Бу гап Наманган ва Тошкент вилоятларига тегишли.

Шаҳарлар учун ер солиғи ставкалари шаҳарларнинг инфратузилмалари ҳисобга олинган ҳолда белгиланган. Меёридан ортиқ бўлган ёки ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларидан фойдаланганлик учун солиқ юридик шахслардан 2 ва жисмоний шахслардан 1,5 коэффициентни қўллаган ҳолда ундириб олинади.

Ҳозир айрим вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлмаган ерлар рўйхатдан ўтказилмоқда. «Ер тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳар бир ер участкасининг ўз эгаси бўлиши керак. Участкани баҳолашда ер юзасигина эмас, балки ер ости бойликлари ҳам ҳисобга олиниши лозим. Ер солиғи ставкалари муҳандислик таъминоти учун кетган харажатларга қараб белгиланади. Масалан, Тошкент марказида жуда ҳам кўплаб мураккаб ва турли-туман коммуникациялар мавжуд. Четрокда эса коммуникациялар камроқ. Шуни ҳисобга олиб шаҳар 14 та иқтисодий зонага бўлинган ва солиқ ставкалари ҳам шунга қараб белгиланган.

Давлат солиқ қўмитасига ер солиғи бўйича қоидаларни кенгроқ шарҳлаб бериш сўралган хатлар тез-тез келиб туради. Уларнинг аксарияти халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасаларидан келмоқда. Дарҳақиқат, ҳаёт каби солиқлар ҳам ўзгариб туради. Вақтинчалик қабул қилинган эски йўриқномага мувофиқ, корхоналар илгари ўз болалар боғчалари, поликлиникалари, ҳунар-техника билим юртлари ва бошқа шу каби муассасалар банд қилган ерлар учун солиқ тўламас эди. Янги йўриқномага мувофиқ, бундай бинолар ва иншоотлар улар балансида бўлмаса, банк муассасаларида ҳисоб-китоб варағига эга бўлмаса, у ҳолда бу объектлар банд қилган ерлар учун корхона ва бирлашмалар солиқни умумий белгиланган тартибда тўлайдилар.

Агар ер солиғидан озод этилган юридик шахслар ердан белгиланган мақсад бўйича эмас, балки деҳқончилик учун фойдаланилаётган бўлса, у ҳолда бундай майдон учун корхоналар белгиланган тартибда солиқ тўлайдилар.

Эндиликда ер ости ва ер усти ресурсларининг барчаси ҳисобли. Бу йилдан бошлаб ер усти манбаларидаги сувдан фойдаланганлиги учун халқ хўжалигининг барча тармоқларидан солиқ ундириляпти. Илгари фақат саноат корхоналари сувдан фойдаланганлик учун солиқ тўлардилар. Қишлоқ хўжалик корхоналари эса фақат ер ости манбаларидан олинадиган сув учун солиқ тўларди. 1987 йилда ер усти манбаларидан олинадиган сувдан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ҳар куб метр учун 1,5 тийинни ташкил этяпти.

Бу йил тўловларнинг яна бир тури — экологик солиғи ҳам жорий этилди. Эндиликда маҳсулот ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг барчаси экология солиғини тўлашга мажбур. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш таннархи солиққа тортиладиган база ҳисобланади, ставкалар эса таннархнинг бир фоизи миқдорида белгиланди. Экология солиғи тушумларидан атроф муҳитни соғломлаштириш ишларида фойдаланиляпти.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳот одимлари

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

«Оққўрғон» ширкатлар уюшмасининг кичик корхонасида ишлаб чиқарилаётган сут маҳсулотларига республикамиздаги ягона беш юлдузли «Интерконтинентал» меҳмонхонаси мижозлари ҳам тан беришмоқда

Бир неча ойдирки, Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» ширкатлар уюшмасида Исроил — Ўзбекистон — Америка қўшма лойиҳаси бўйича техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида сутни қайта ишлайдиган кичик корхона ишлай бошлади.

Бу ерда чорвачилик фермаси етиштириб бераётган сутдан йогурт, сузма, қаймоқ, сметан, пишлоқ ва бринзанинг бир неча навлари ишлаб чиқарилаётир.



— Ҳамма иш АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги ходимлари хўжалигимизга келган кундан бошланди, — дейди Уммат Мирзақулов. — Ушбу агентлик реклама сифатида вилоятимиздаги иккита хўжаликда иш олиб боришни режалаштирган экан. Сабзавотчилик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган корхона Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигида қуриладиган бўлди. Бизнинг хўжалигимизда эса сутни қайта ишлаш корхонаси ва чорва озуқаси цехи қурилди.

Умумий нархи 300 минг долларлик бўлган барча ускуналар жумладан, сутни қайта ишлаш аппаратлари, 2 та совиш агрегати, битта компьютер, озуқа тайёрлаш ускуналари — барча-барчаси хўжалигимизга бепул қуриб берилди. Сутни қайта ишлаш кичик корхонаси бир кунда беш тонна маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланган. Озуқа цехи эса бир соатда белгиланган рацион асосида беш тонна озуқани тайёрлайди. Компьютер барча иш жараёнларини кузатиб ва тўғрилаб боради.

Сутни қайта ишлаш корхонаси ўтган йилнинг июнь ойида ишга туширилган эди. Ана шу давр мобайнида корхона 4,2 миллион сўмлик юқори сифатли маҳсулот сотди, 800 минг сўмдан кўпроқ соф фойда олди.

— Бу йил камида 1,5 миллион сўм соф фойда олишни режалаштирганмиз, — дейди корхона раҳбари Собиржон Элчибоев. — Маҳсулотимизга харидор кўп. Аммо туман марказидаги касалхона, хўжаликнинг ўзидаги боғча-ясли ва мактабга энг сархил маҳсулотларимизни кундалигини кунда етказиб беришни канда қилмаяпмиз. Шунингдек, Тошкентдаги дўконларга ҳам тайёр маҳсулот сотяпмиз. Пойтахтда хўжаликнинг фирма магазинини очиш режамиз ҳам йўқ эмас. Булардан ташқари Тошкентдаги «Интерсервис интерконтинентал» меҳмонхонасининг бош менежери П. Боассел билан ҳам шартнома туздик. Меҳмонхона бизнинг корхонамизда тайёрланган беш хил маҳсулотни керагича сотиб оладиган бўлди. Ана шу воқеанинг ўзи ҳам корхонамиз маҳсулотларига талаб нечоғлик ошиб бораётганини, унинг сифати юксак қадрланаётганлигини кўрсатади.

Сутни қайта ишлаш кичик корхонаси ва озуқа цехи қурилаётган кунларда ширкатлар уюшмаси 10 нафар тажрибали мутахассисларни Исроилга янги касб ўрганишга юборди. Улар орасида зоотехниклардан Маҳкам Соурбоев, Абдуҳамид Абдурахмонов, Саидмурод Чегабоев, муҳандис Ара Соатов, фермер Шарифжон Абдурахмонов, ҳосилот Ёқубжон Абдурахмонов, мироб Қосимбек Мусабековлар ҳам бор эди. Улар Исроилнинг Шифаимдаги ўқув марказида билим олдилар. Энг янги техника билан қуролланган деҳқончилик ва чорвачилик фермер хўжаликларида бўлиб тажрибаларни ўргандилар.

АҚШ ва Исроилнинг қишлоқ хўжалиги бўйича қўшма дастури мутахассиси, чорвачилик ва сутчилик фермалари бўйича тажрибакор Матания Бен-Ор «Оққўрғон» ширкатлар уюшмасида тез-тез бўлиб, кичик корхона ва озуқа цехи ходимлари ишидан бохабар бўлиб турибди. У шогирларининг янги касбни тез ўзлаштириб олганлигидан хурсанд.

— «Оққўрғон»ликларнинг янги техникага, билим ва тажрибага ниҳоятда чанқоқлигини ҳар дам—ҳар дақиқада кўриб-билиб турибман. — дейди Натания Бен-Ор, — ўргатсанг ва кўрсатсанг бас, дарров уқиб олишади.

— Бизда минг бош қорамол, шу жумладан, уч юз эллик бош соғин сигир бор, — дейди хўжалик фермаси бошқарувчиси А. Бердиёров. — Фермага 590 гектар суғориладиган экин майдони ҳам биркитилган. Исроилнинг «Пладот» фирмаси хўжаликнинг чорвачилик фермасини ҳам замонавий техника билан қайта қуриб, барча ишларни компьютерлаштирди. Ҳар бир соғин сигир ҳақидаги барча маълумотлар компьютер дастурига киритилди. Фермадаги жами юмушлар, ҳатто молларни суғориш, ем-хашак бериш, сут соғиш ишларини қачон ва қандай бажаришни компьютер ҳал қилиб берадиган бўлди. «Ақлли» машина ҳар бир сигирдан қанча сут соғиб олинганлиги, қўйинг-чи, ҳатто сутнинг ёғлилик даражасини ҳам шу заҳоти аниқ ҳисоблаб чиқариб берадиган бўлди.

Чорвачилик фермаси илгари сутни Оққўрғондаги қабул пунктига топширарди. Ҳақини эса ойлаб-йиллаб ундиролмай, овора бўларди. Энди эса касалхона, мактаб, боғча ва яслидан ташқари кичик корхонага нақд пулга ҳар куни бир тонна сутни етказиб бериш юзасидан шартнома тузилган. Ферма ўтган йили 4 миллион сўм, шу йилнинг ўтган ойларида эса 1,3 миллион сўм даромад қилди. Кичик корхонанинг ҳам ҳисоб рақамида 6 миллион сўмга яқин нақд пул бор. Шу сабабли ширкатлар уюшмаси корхона қувватидан тўла фойдаланиш мақсадида қўшни жамоа ва фермер хўжаликларидан ҳам нақд пулга сут сотиб олиб, қайта ишлаш юзасидан шартнома тузяпти. Бу ҳар икки томон учун ҳам фойдали, фермер хўжаликлари маҳсулотини сотиб, қўли пул кўрса, кичик корхона эса олаётган фойдасини кўпайтиради.

Яқинда «Оққўрғон» ширкатлар уюшмасида яна бир катта воқеа содир бўлди. Исроил — Ўзбекистон — Америка қўшма лойиҳасининг навбатдаги босқичи сифатида хўжаликда иккита намунали хусусий оилавий фермер хўжалиги фойдаланишга топширилди. Ширкатлар уюшмаси ҳар иккала хўжаликка уй-жой ва ишлаб чиқариш биноларини қуриш ҳамда томорқа учун 1,5 гектардан, деҳқончилик учун 30 гектардан ер майдонлари ажратиб берди. Исроилнинг «Цахан» фирмаси ферма биноларини зарур ускуналар билан жиҳозлади, сут соғиш хоналарига соғиш агрегатларини ўрнатди. Ҳар бир чорвачилик фермасининг умумий қиймати 70 минг АҚШ долларида баҳоланди.

Иккала ферма қурилиши учун иккита кредит ажратилди. Ўзбекистон бизнес жамғармаси беш йилда узиш шарти билан уларга 4 миллион сўм, Халқаро шафқат корпуси эса касалхона, мактаб, боғча ва яслиларни сут билан таъминлашни шарт қилиб, 1 миллион сўм маблағ ажратди. Ана шу фермалардан бири Маҳкам Соурбоевга, бошқаси эса Абдулҳақ Абдурахимовга қарашлидир.

Маҳкам Соурбоевнинг хусусий фермасида уч киши меҳнат қилади. Сут соғиш агрегатини М. Соурбоевнинг ўзи бошқаради. Умр йўлдоши Умида Соурбоева ва ўғли Бобуржон молбоқарлик билан шуғулланадилар. Фермадаги мавжуд 34 бош қорамоллар вилоятдаги наслчилик заводларидан жами 1 миллион 250 минг сўмга сотиб олинган. Бу ерда ҳар куни 180—200 килограмм сут ооғиб олиняпти. Ҳар бош сигирнинг маҳсулдорлиги 11 литрга етди. Келгуси йилдан эса уларнинг ҳар биридан 20 литрдан сут соғиб олиш режалаштирилган. Сигирлар аппаратларда соғилади. Фермер кунига 150 килограмм сутни кичик корхонага топширса, қолганини шартнома асосида касалхона ва болалар боғчасига элтиб беради.

— Ширкатлар уюшмаси хусусий фермер хўжалигини силос, сенаж ва сомон билан етарли миқдорда таъминлаяпти, — дейди Маҳкам Соурбоев. — Бир кеча-кундузда қорамолга 15 килограммдан аралаш озуқа, шунингдек 6—7 килограммдан ем беряпмиз. Ҳар бир сигирга жами 100 сўмлик озуқа сарфланаётган бўлса, улардан 220 сўмлик сут соғиб оляпмиз. Хўжаликдан олган қарзимизни эса келгуси йилнинг апрель ойидан тўлашга киришамиз. Олинаётган даромад қисқа вақт ичида қарздан қутулишимиз мумкин эканлигини кўрсатяпти.

Маҳкам Соурбоев билан Абдулҳақ Абдурахимов чорвачилик фермасига биркитилган экин майдонларига беда, дон ва силос учун маккажўхори ўстириляпти. Ширкатлар уюшмаси уларни техника, уруғ ва ўғит билан етарли миқдорда таъминлади.

— Оиламизнинг ойлик даромади саккиз минг сўмни ташкил этяпти, — дейди Абдулҳақ Абдурахимов. — Фермер хўжалигининг даромади ошиб боргани сари оладиган маошимиз ҳам кўпайиб боради. Булардан ташқари, томорқада етиштириладиган деҳқончилик маҳсулотларининг ортиқча қисмини бозорга чиқариб, қўшимча даромад ҳам олишимиз мумкин.

Ҳар иккала хусусий ферма энг сўнгги техника ютуқлари асосида жиҳозланган. Бундай ускуналарни фақат Исроил, АҚШ ва Голландиядаги фермалардагина кўриш мумкин. Экспертларнинг айтишича, «Оққўрғон» ширкатлар уюшмасидаги фойдаланилаётган технология ушбу чорвачилик фермаларининг МДХдаги фермаларга нисбатан камида 30 йил илгарилаб кетишига имкон беради.

Ана шу жиҳатдан ёндошганда ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш юзасидан қўйилган вазифалар «Оққўрғон» ширкатлар уюшмасида изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан далолатдир.

Қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, мулк ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш, қўшимча иш жойлари ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалигида ишловчилар сонини камайтириш ислоҳотларни амалга оширишнинг устивор йўналишлари бўлиши лозим, — деб таъкидлади республика Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида қилган маърузасида.

— Биз бу вазифани изчиллик билан амалга оширяпмиз, — дейди ширкатлар уюшмаси раиси Уммат Мирзақулов. — Хўжалигимиз, шунингдек хусусий фермер хўжаликларидаги туб ўзгаришлар бунинг яққол мисолидир. Эндиликда ширкатлар уюшмаси фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланибгина қолмай, қишлоқ учун янгилик ҳисобланган саноат корхоналарини ҳам қуриб ишга туширяпти. Ҳар ойда 30 та палос ва гилам тўқиш қувватига эга бўлган гиламчилик цехи, бир кунда бир тонна ёғ ишлаб чиқарадиган кичик корхона, 5 та тегирмон, темирчилик цехи, ғишт заводи, қурилиш материаллари ва дурадгорлик цехлари, ғўзапоядан ДСП тайёрлайдиган корхона ана шулар жумласидандир. Энди эса консерва цехи қурилишини бошлаб юборяпмиз. Хўжалигимизда ишсиз қолган кишилар деярли йўқ. Деҳқончилик ва чорвачиликдан бўшаб чиққан кишилар янги касб ўрганиб, корхоналарда меҳнат қилмоқдалар.

Ҳа, қишлоқ ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. «Оққўрғон» ширкатлар уюшмасида амалга оширилаётган кенг миқёсидаги ишлар ана шундан далолат бераяпти.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Суратларда: 1. Сутни қайта ишлаш кичик корхонасида. 2. Абдулҳақ Абдурахимовнинг хусусий чорвачилик фермаси. 3. Икки қўшни фермер Абдулҳақ Абдурахимов ва Маҳкам Соурбоев тез-тез учрашиб, маслаҳатлашиб ишлайдилар. 4. Сут соғувчи Умида Соурбоева иш пайтида.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) ва У. АҲМЕДОВ олган суратлар.

УСТОЗЛАРДАН ЎРГАНИБ

ЯҚИНДА республика Божхона Бош бошқармасида анжуман ўтказилди. Унда божхона хизмати ходимлари соҳа ёшлари билан учрашди. Маълумки, божхона қўмитаси 1991 йил 26 октябрда ташкил топган эди.

Йиғилишни Божхона Бош бошқармаси марказий божхона экспертиза таҳлилхонаси бошлиғи Иброҳим Асқаров олиб борди. Унда Божхона Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Шодмонбек Раимов, фахрийлардан Рихсивой Пирмуҳамедов, Эргаш Иноғомов, ёш ходимлардан Бахтиёр Алматов, Абдулҳай Абдумавлонов ҳамда бошқалар сўзга чиқиб, божхона хизматининг ўзига хослиги, божхона ватан дарвозаси эканлиги, муомала санъати, билимдонлик ва масъулият борасида сўз юритдилар.

— Божхона хизматига тест орқали ишга қабул қилинаётгани жуда тўғри. Чунки, биз дастлабки пайтларда жуда қийналган эдик. Ҳукуматимиз пешма-пеш божхона қонун-қоидаларини халқаро андозаларга мослаб чиқариб турди. Шундай қилиб, божхона хизмати шаклланди. Ёшларнинг олдида уни янада ривожлантириш, меёрига етказишдек вазифа турипти. Божхонани — элим, юртим, деб ёниб, жонини тикиб, фидойи бўлиб турибоши керак. Ўйлайманки, ёшлар ишонимизни оқлайди, — деди Эргаш Иноғомов.

Божхона ҳаёти

Анжуман сўнггида фахрийларнинг ёш ходимларга мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди. Биз эса фурсатдан фойдаланиб, Тошкент вилоят божхона бошқармаси бошлиғи Тўлқин Усмоновни суҳбатга тортдик:

— Тошкент вилояти Тожикистон ва Қозоғистон республикалари билан 500 чақирим масофада чегарадош, — деди у, — 20 дан ортиқ божхона постлари бор. Айни пайтда «Ғиштқўприк» божхона пости халқаро андозаларга мос равишда қурилмоқда. У миллий услубда барпо этилаётир. 10 нафар ходимимиз божхона бош бошқармаси қошидаги уч ойлик курсларда малакасини оширмоқда. Улар курсни тугатиб, мустақиллигимизнинг олти йиллиги нишонланадиган кунда ишга тушиши мўлжалланаётган «Ғиштқўприк» божхона постида ишлашади. Хуллас, ҳали бажариладиган ишларимиз кўп.

Ҳозир фахрийлар билан учрашиб турган ёшларнинг, ўқув жараёнини кузатган Бутунжаҳон божхоналари ташкилоти ходимлари уларнинг шароити, билими, ўқитилиш тартиб-қоидалари юқори эканлигини таъкидлашган эди. Ёшлар ана шу ишончни оқлаш учун ҳаракат қилишлари керак.

Тўлқин ИБРОҲИМОВ.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ҚИСҚА САТРЛАРДА

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Тожикистон ҳукумати ва бирлашган тожик мухолифат кучларини мамлакатда тинчлик ўрнатиш ва миллий келишув тўғрисида битим имзоланга чақирди.

БМТнинг Тожикистондаги вакили Тожикистон бирлашган тожик мухолифат кучлари ўртасида мазкур битим шу йилнинг 27 июнь кўни Москвада имзоланиши кутилаётганини маълум қилди.

***

ЛОНДОН. Буюк Британия ҳукумати, Хитой раҳбариятини Гонконг ХХР таркибига ўтганидан кейин «Эркин ва адолатли» сайлов ўтказишга чақирди.

Буюк Британия ҳукумати вакили Баронесса Саймонс Гонконг Бирлашган қироллик ва Пекин ўртасида дўстлик кўприги бўлиб қолажагини таъкидлади.

***

ДУБЛИН. Ирландия Президенти Мэри Робинсон хоним БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари этиб сайланди.

БМТ бош котиби Кофи Аннан Робинсон хонимни мазкур мансабга сайлангани тўғрисидаги декретни имзолади. Унинг номзоди сентябрь ойида бўлиб ўтадиган БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида расман тасдиқланади.

***

ВАШИНГТОН. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) Жаҳон банкининг янги дастури доирасида Россияга 600 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратди.

17 йил муддатга берилган ушбу қарз хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, банк тизимини такомиллаштириш ҳамда халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига сарфланади.

* * *

ПРАГА. Чехия армиясида яқин йиллар ичида мажбурий хизмат бекор қилинади. Айни вақтда мамлакат мудофаа вазирлиги армия хизмати механизмини такомиллаштириш тўғрисида махсус лойиҳа тайёрламоқда.

Унга кўра, армияга ҳарбий хизматчилар шартнома асосида қабул қилинади. Мутахассисларнинг фикрича, бу лойиҳа амалга ошса, мамлакат мудофааси учун сарфланаётган маблағ анча тежалади.

***

АБУ-ДАБИ. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, 1992-94 йилларда АҚШ ва Катар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, АҚШ Катар пойтахти Дохидан 50 километр шимоли-ғарбда ўз ҳарбий базасини қуришни режалаштирмоқда.

200 та жанговар самолёт, 30 тага яқин ҳарбий кема ва 20 мингдан ортиқ аскар жойлаштиришни кўзда тутилган мазкур база учун камида 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланар экан.

(ЎзА).

ЭЛИЗАБЕТ ХОНИМ АЖРАЛАДИ

Америкалик машҳур киноактриса Элизабет Тэйлор ҳамда унинг турмуш ўртоғи Лэрри Фортенски эндиликда алоҳида яшайдиган бўдилар. Элизабет хоним оддий қурувчи бўлган турмуш ўртоғи Л. Фортенски билан шифохонада, яъни алкоголизимга қарши даволанаётган вақтларда танишган эди.

Улар 1989 йили никоҳдан ўтишди. Мусиқа «Қироли» Майкл Жексоннинг Калифорниядаги ҳашаматли вилласида дабдабали базм кечаси ўтказилди. Энди эса...

Актриса адвокатининг айтишича, энг муҳими ажралувчилар ўртасидаги дўстона муносабат сақланиб қолади. Бунинг сабаби, Элизабет хоним «руҳан рағбатлантириш учун» собиқ турмуш ўртоғига маълум миқдорда маблағ тўлайди. Лекин, ажралиш қанчалар қимматга тушиши ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ.

БАЛИҚ ЕБ ТУРИНГ!

Америкалик олимлар узоқ йиллик изланишлардан сўнг шундай хулосага келдилар, агар эркаклар ҳеч бўлмаганда ҳафтасига икки маротаба балиқ еб турса, уларнинг инфаркт касалига йўлиқиш хавфи анча пасаяр экан. Олимлар баликдан тайёрланган таомларнинг юрак-қон томир касалликларига қандай таъсир этишини бир неча ўн йил давомида кузатдилар.

Бу кашфиёт АҚШ тарихида энг узоқ давом этган изланиш натижасидир. Тадқиқотлар 1957 йили Чикагода бошланган эди.

КОМПЬЮТЕР ДОВУЛНИ ОЛДИНДАН АЙТАДИ

Исроилнинг «Хайф технион» денгиз муҳандислиги институтида довулни олдиндан айтиб берадиган янги компьютер тизими ишлаб чиқилди. Институт директори, профессор Михаил Штистнанинг сўзларига қараганда, бу тизим фан оламида муҳим кашфиётдир.

У об-ҳаво ҳолати ҳақида аниқ ахборот келадиган метерологик тармоқ билан бевосита боғланган. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур компьютер денгизда рўй берадиган хавфли довул ҳақида 48 соат олдин хабар беради.

(ЎзА).



Қишлоқ маҳаллалари

«НАВРЎЗ»НИНГ ЯНГИ ГУЗАРИ

***ИЛГАРИЛАРИ** ҳалқа йўл ёқасидаги бу дўнглик ерда янтоқ, тиканаклар ўсиб ётарди. Эндиликда шарқона услубда, дид билан қурилган гузарга ўтган ҳам, кетган ҳам ҳавас қилади. Айниқса, ҳайдовчилар мамнун. Бир пиёла чой устида ҳордиқ чиқариб ором оладилар, кейин йўлда давом этадилар.*

— Маҳалла аҳил бўлса, у тезда чирой очар экан, — дейди биз билан суҳбатда уруш ва меҳнат фахрийси Йўлдош ота Миршарипов, — ёшим саксонга яқинлашиб қолди, ўтган вақт ичида кейинги беш йилдагидек ободончилик, қурилиш ишларига бунчалик жадал киришилганини билмайман.

Отахон «Наврўз» маҳалласининг кўркига кўрк бағишлаб гузар барпо этишда Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалиги раиси Хайрилла Мирзаев, Чоштепа фуқаролар йиғини раиси Дилбар Йўлдошева, хўжалик фаолларидан Мирахмад Мирзаахмедов, Шукурхожи Маҳкамовлар доимо бош-қошликлари ҳақида сўзлаб, маҳалла оқсоқоли Эркин Комилов ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Маҳаллада қисқа вақт ичида оқсоқол ташаббуси билан шинам хусусий дўконлар, ошхона, чойхона қад кўтарди. Эндиликда бу жойда меҳнат кишиларини қадрлашга бағишланган тантаналар, байрам тадбирлари сермазмун ва файзли ўтмоқда.

Биз кексалар билан маҳалла тадбиркорлари саъй-ҳаракати туфайли бунёд этилган озиқ-овқат, хўжалик, автомобиль заҳира қисмлари, саноат моллари, хусусий дўконлар, чойхона, ошхоналарни айландик. Бу ерда аҳоли учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Эркин Комилов бизни келгуси ишлари билан ҳам таништирди.

— Яқинда республика Олий Мажлисида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг ижроси ҳақидаги масала кўриб чиқилганлигини матбуотда ўқидик, — деди у, — фаолларимиз билан биргаликда режа тузиб олдик. Унга кўра бу йил инсон манфаатлари йили эканлигини ҳисобга олиб, фуқароларнинг манфаатларини таъминлаш юзасидан имкониятимиз даражасидаги тадбирларни амалга оширамиз.

«Наврўз» маҳалласининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири — бу ерда ночор оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётганлигидир. Маҳаллада ҳашарлар ҳам тез-тез ўтиб туради. Аҳоли бир қатор жамоат биноларини шу йўл билан қурди. Бундай ишларда Тўлқин Солиҳов, Ҳуснидин Сарихўжаев, Мутал Нажимов, Наби Ғаниев, Сайдилла Маҳкамов, уста Йўлдош Миршарипов сингари фаоллар алоҳида фидойилик кўрсатиб келмоқдалар. Наврўзликлар иш тажрибасини бошқа маҳаллалар учун ҳам ибратлидир, дейиш мумкин. Маҳалла обод экан, демак, бу унда истиқомат қилаётган одамлар турмуш тарзининг ўзгараётганлигидан далолатдир.

***Саидвали ҲАСАНОВ,** Тошкент тумани.*

Суратларда: маҳалла гузаридан лавҳалар: (чапдан ўнгга) Дилбархон Эргашева харидорни ҳамиша очиқ чеҳра билан кутиб олади; хусусий дўконлар аҳоли хизматида; чойхоначи Нуриддинхўжа Сарихўжаев.

***Владимир ГРАНКИН** олган суратлар.*

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ҲОЗИРЧА ЯМАН...

1998 йил Франгистонда бўладиган жаҳон чемпионлигига саралаш ўйинларининг Осиё гуруҳларида ғалвир сувдан кўтариладиган палла яқинлашмоқда.

ҲОЗИРГАЧА кейинги босқичга йўлланма олган олти терма жамоа маълум. Қолганини эса вақт ҳал қилади. Ватанимиз вакиллари қатнашаётган гурухда 13 июнда яна бир ўйин ўтказилди. Яманликлар Индонезия терма жамоасини қабул қилишди. Ҳисоб 1:1, дуранг натижаси билан тугади. Гурухда беш ўйиндан саккиз ҳол тўплаган Яман терма жамоаси пешқадамлик қиямоқда. Беш ўйиндан етти ҳол жамғарган индонезияликлар эса иккинчи ўринда кетишяпти. 20 июнда Марказий «Пахтакор» ўйингоҳида бўладиган Ўзбекистон — Индонезия терма жамоалари учрашуви кўп нарсани ойдинлаштиради. Олдинда эса яна икки ўйин бор. Демак, уч имконият. Иккиси дуранг бири ғалаба бўлса ҳам биз учун қониқарли. Лекин, мухлислар фақат ғалаба кутишмоқда. Илло ғалабаларимиз кўпаяверсин, деб, 20 июнь кеч соат 19.00 да бошланадиган катта беллашувда Ватанимиз футболчиларига омад тилаймиз.

«ЛОЧИН» МАВҚЕИНИ ЯНА МУСТАҲКАМЛАДИ

Мамлакатимиз биринчи табақасида тўп сураётган жамоаларнинг 14-тур ўйинлари билан таништирмоқчимиз.

ЗАНГИОТА туманидаги Убай Мусаев номли ўйингоҳда «Лочин» — «Боғдод» тўп суришди. Зангиоталиклар 5:1 ҳисобида ғолиб келиб, жадвалдаги учинчи ўринни мустаҳкамлади. Бекободлик металчилар эса «Дўстлик» (Каттақўрғон)ни ўз майдонида 4:2 ҳисобида доғда қолдириб, икки поғона юқорига сакради. «Роҳат» ўйинчилари эса «Шаҳрихон»га 3:1 га ютқазиб қўйди. Натижада 13-ўринга тушиб кетди.

14-турнинг қолган ўйинлари шундай якунланди: «Пахтаобод» — «Кимёгар» — 0:2, «Гулистон» — «Хива» — 2:0, «Зафар» — «Орол» — 3:2, «Шўрчи» — «Ситора» — 1:3, «Шўртон» — «Қизилқум» — 1:2,

«Бўкалик» — «Машъал» — 2:3, «Истиқлол» — «Темирйўлчи» — 2:2, «Тўқимачи» — «Норин» — 4:2.

Кўриб турганингиздек биринчи табақа ўйинларида битта мағлубият эвазига икки-уч поғона пастга тушиб кетиш ҳоллари юз бериши мумкин. Чунки ораликдаги фарқлар унчалик катта эмас.

14-турдан сўнг биринчи табақа жадвали қуйидагича:

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Темирйўлчи»	14	11	1	2	36-11	34
2. «Машъал»	16	9	3	4	28-24	30
3. «Лочин»	15	9	1	5	33-22	28
4. «Металлург»	15	8	2	5	28-18	26
5. «Гулистон»	15	8	2	5	24-21	26
6. «Қизилқум»	15	7	5	3	15-10	26
7. «Истиқлол»	15	7	4	4	30-23	25
8. «Шаҳрихон»	16	7	4	5	24-17	25
9. «Шўрчи»	14	7	3	5	26-19	24
10. «Кимёгар»	15	6	5	4	18-13	23
11. «Тўқимачи»	14	6	2	6	24-23	20
12. «Ситора»	15	6	2	7	23-26	20
13. «Роҳат»	15	6	2	7	18-22	20
14. «Орол»	13	6	1	6	24-20	19
15. «Хива»	15	6	1	8	23-21	19
16. «Бўкалик»	14	5	3	6	21-24	18
17. «Дўстлик»	16	4	6	6	20-28	18
18. «Боғдод»	15	5	3	7	14-22	18
19. «Шўртан»	14	4	2	8	17-27	14
20. «Норин»	14	4	1	9	13-24	13
21. «Зафар»	14	3	2	10	20-36	11
22. «Пахтаобод»	16	1	1	14	9-40	4

Биринчи табақада 15-тур ўйинлари бугун ўтказилади. Шу ўринда ўтган ҳафта жума куни ўтказилган олий табақадаги 13-тур ўйинларининг қолган натижалари ҳам сизни қизиқтирса керак. МҲСК — «Чилонзор» — 2:1, «Нефтчи» — «Андижон» — 6:1, «Сўғдиёна» — «Афросиёб» — 1:0, «Сурхон» — «Зарафшон» — 4:3.

ЎРИНБОСАРЛАРДА НИМА ГАП?

Олий табақа ўринбосарларининг жадвалида бошқача вазият кўзга ташланади. Бу томонда «Нефтчи» жамоаси 34 ҳол тўплаб, биринчи, 32 ҳол тўплаган «Навбаҳор» ўринбосарлари иккинчи ўринда кетишмоқда. «Дўстлик»нинг ўринбосарлари 12 ўйиндан сўнг 25 ҳол тўплаб, бешинчи ўринда боришмоқда. Жадвалнинг энг сўнгги ўринларини «Сурхон», «Андижон», «Афросиёб» жамоалари эгаллашган. Шуниси қизиқки, ўринбосарлар баҳсида ҳам устозлариники каби қайси жамоа оқсаётган бўлса, ўша жамоалар охирги поғонадан жой олишмоқда.

***Тўлқин ЁРҚУЛОВ,** «Тошкент ҳақиқати» спорт шарҳловчиси.*

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА... ИМТИҲОНСИЗ

ЯҚИНДА Ўзбекистон ўрта махсус мусиқа ва санъат ўқув юртлари ўқувчилари — мусиқачи ижрочиларининг республика XIV танлови бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган Глиэр номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатининг кўплаб талабалари мукофотли ўринларни эгаллашди. Шулардан бири ўн биринчи синф ўқувчиси Шерали Холматовдир. У интернатга 1990 йилда Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан келиб, танлов асосида кирганди. Шерали ғижжакка меҳр қўйган. Бу ҳавас уни мусиқа юртига етаклади. Бу ерда Шерали Холматов моҳир мураббий М. Тошмуҳамедов қўлида таълим олди. Республика кўрик танловида биринчи мукофотли ўринни эгаллаб, Тошкент Давлат консерваториясига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқига эга бўлди. Шунингдек, ғолибга 8 минг сўм пул мукофоти ҳам берилди.

Глиэр номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаби-интернатида Шерали Холматовга ўхшаган санъатга ошуфта кўплаб ёшлар таълим олмоқда. Бу даргоҳда ўқиш ўн бир йил давом этади. Озода ва ёруғ синф хоналари, моҳир мураббийлар, спорт иншоотлари ҳаммаси ёшлар хизматида. Шерали Холматовга ҳам омад тилаймиз.

***Маҳмуд ИСАЕВ,** интернат мураббийси, филология фанлари номзоди.*

Халқ ҳунармандчилиги

КУЛОЛЧИЛИК ВА КИГИЗ БОСИШ ЦЕХЛАРИ

Оҳангарон туманидаги «Ангрен» ширкат жамоа хўжалигида халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор бериляпти. Бу ерда кулолчилик ва кигиз босиш цехлари ишга тушди. Хўжалик кулоллари чойнак, пиёла, коса ва лаганлар ишлаб чиқармоқдалар. Шу кунларда ҳар иккала цехда 15 киши меҳнат қиляпти. Жамоа хўжалигининг ўзида кулолчилик ва кигиз босиш цехларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун махсус дўкон очиладиган бўлди.

Теша ШЕРАЛИЕВ.

Булар ҳақида кам ёзилади

ТАРОЗИ — ВИЖДОН РОЗИ!

дейди «Ҳақиқат йўли»лик ака-ука қассоблар

Ўшанда баҳор фаслининг сўлим пайти, дарахтлар гулларга бурканган, табиатга боққан кишининг завқи тўлиб-тошадиган кезлар эди. Миракбар отанинг тоби қочиб қолди. Ота Қимматхон аяни ёнига чақириб:

— Охиратим яқинлашиб қолди, шекилли, ўғил-қизларингни йиғ, уларга айтадиган гапларим, маслаҳатларим бор, — деди.

— Болаларим, — деди ота бирма-бир фарзандларига боқиб, — энг аввало, чин, пок инсон бўлинглар. Харомнинг илдизи битта бўлса, ҳалолнинг илдизи юзта. Тоат-ибодатли бўлинглар, тоқат — бу ярим намоз. Обрў орттираман, ҳурмат қозонаман, десанглар, тавозели бўлинглар. Дўст-ошналарнинг кўпайишини хоҳласанг, очиқ юзли, ширин сўзли бўлиб, ҳеч кимга гина ва адоват сақламанглар...

Фарзандлар отанинг дил тўридаги ана шу маслаҳатларини доимо ёдда тутдилар. «Ҳақиқат йўли» ҳиссадорлик жамиятининг Номданак маҳалласида отанинг вафотига саккиз йил тўлиши арафасида каттагина масжидни фойдаланишга топширдилар. Қорахитойлик қўли гул усталар масжидни тез кунда қуриб бердилар.

Ўн фарзанд камолидан хурсанд бўлган Қимматхон ая неваралар, чеваралар оғушида бугунги бахтиёр ҳаётдан мамнунлар. Катта фарзанди Тожиниса, Сожида, Мирҳамид, Мирқодир, Мирқобил, Мирсаид, Мирдавлат, Салтанат, Гулбаҳор, Зулхумларнинг барчаси уйли-жойли, бахтли кишилар, турли касб эгаларидир. Бири жамиятда ишласа, бошқаси туман Давлат автомобиль инспекцияси ходими, яна иккиси қассобчилик қилади.

— Сир эмас, пулга ўч йигитлар, ҳалол билан харомнинг фарқига бормай, қассобчилик қилиб юрганлар бор. Кўзингга уялмай қараб туриб, тарозидан уриб, гўшт ўрнига суяк солиб хафа қилиб қўядиганлар учраб туради. Яқинда «Тошкент ҳақиқати»да Зангиота туманидаги эшонгузарлик қассоб Акбархўжа ҳақидаги мақолани ўқиб қолдим. «Тош-тарозининг андозага тўғри бўлиши ҳам охиратни ўйлаган қассобга асқотади. Тарози — виждон рози, деб бекорга айтишмайди. Бу ҳам бир ҳикмат», дейди Акбархўжа қассоб. Қассобчиликнинг қонун-қоидалари, ёзилмаган йўл-йўриқлари жуда кўп, — дейди Мирқобил қассоб. У узр айтиб, пешин номозига кетди.

Шу пайт савдога Мирсаид (укаси) оқ «Жигули»да янги сўйилган гўшт олиб келди. Одамлар гўшт дўкони олдида гавжум бўлиб, навбатга туришди.

— Уч йил бурун тадбиркорликка қўл урдик. Беш-олти қарияниинг фотиҳасини олиб, қассобхонани ишга туширдик. Келгусида хусусий дўкон, бошқа эл хизматига зарур қурилишларни бошлаш режаси билан яшаяпмиз, — дейди Мирсаид.

— Бошқа жойдан гўшт олмайман, шу ердан оламан, — дейди саксонни қоралаган Талаббой бува. — Отаонасига раҳмат, тарбия берган. Ҳеч кимни хафа қилишмайди. Умридан, касбидан барака топишсин, — дея дуога қўл очди қария.

Тавозе ва одобли бўлиш қарияларнинг дуосига сазовор қилади. Шундай фазилатли одамларни халқ қадрлайди. Бекорга айтишмайди-ку, одамнинг энг ширин, лаззатли ва ҳалол таоми ўз меҳнати, қўл кучи билан топган ризқидир. Виждон — ақлнинг қон томири, унинг уриши бизни доим яхши ва ёмондан воқиф этиб туради.

***Усмонали ҲАМИДОВ,** Ўртачирчиқ тумани.*

МУҲАББАТ ТЎЙИЛАРИНИ НИШОНЛАШДИ

УСТОЗ отангдан улуғ, дейишади. Шу боис Юқоричирчиқ туманида ўқитувчиларни эъзозлаш, уларнинг обрў-эътиборини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Яқинда 14-мактабда мазкур билим маскани муаллимлари — Меҳмонқул Қалқулов ҳамда унинг умр йўлдоши Пердегул Дусебоеванинг кумуш тўйлари нишонланди.

Мактаб жамоаси, туман фаоллари, ўқувчилар ҳамда Умиджон Саиджонов раҳбарлигидаги «Умид» бадиий гуруҳи тантана соҳибларини самимий табрикладилар.

Латифжон МАНСУРОВ.

Йўлдаги воқеа

ЎЙҚУДАГИ ОДАМ

Бу воқеани қоғозга туширишдан олдин узоқ ўйладим. Ва, ёзмасам бўлмаслигини сезиб, қўлимга қалам олдим.

...Дугоналарим билан Марказий универмагни айланиб, у-бу нарса харид қилиш мақсадида трамвайга чиқдик. Йўловчилар гавжум. Ҳамма ўз ташвишу қувончи билан қаёққадир шошади. Сўнгги бекатга етиб келгач, йўловчилар бирин-кетин туша бошладилар. Ёш ҳайдовчи йигит ва унинг шериги эшик олдида туриб, йўл ҳақи йиғишарди. Биз ҳаммадан кейин кўзғалдик. Трамвай ўриндиғида ухлаб қолган оппоқ соқолли, нуроний чол қолди. Шу орада паттафуруш йигитча бориб, ухлаётган чолни секин туртиб уйғотди.

— Ўв, тирранча, нега уйғотасан, нима учун мени туртяпсан, нима ҳаққинг бор, ҳе, сани... — чол ўдағайлаб ўрнидан турди.

— Отахон, сўкинманг, — деди кўзлари жовдираб паттафуруш, — етиб келдик.

Можарога ҳайдовчи қўшилди. Етмишдан ошган чол жазавага тушиб, уларга ҳасса кўтарди. Машмашани авжига чиқарди. Ҳангоматалаблар пайдо бўлиб, уларни ўраб олишди. Маллароқ киши йигитларга танбеҳ бериб, чолнинг шаштини янада баландроқ кўтарди. Чол тушмагур энди бу дунёда нималар қилганини: жангда қатнашгани-ю олган медалларини рўкач қилиб, баланд пардада сўкинарди. Зада бўлиб, дўкон томонга қараб шошилдик.

Кейин нималар бўлгани бизга қоронғу.

Энди, ўйлаб кўринг. Жамоат жойида бировларга дилозорлик қилиш, гуноҳсиз, хизматдаги йигитларни — невараси тенгиларни кўпчилик олдида изза қилишни қандай тушунса бўлади. Ораста кийинган, фариштадай одам ахир.

Пойтахтимизга ҳар куни мамлакатимиз ва дунёнинг турли бурчакларидан қанчалаб меҳмонлар келади. Шубҳасиз, улар пойтахтимизни айланишади, бизга ўхшаб транспортларга чиқиб керакли манзилларига боришади. Улар юқоридаги ҳолатларга, ҳунук воқеаларга дуч келишса, нима деб ўйлашади? Энди бутун дунё билан муомала қилишга мослашсак бўлмайдими?

Айрим кексаларнинг ҳамиша ёшларни тергаб, улардан норози бўлиб юришларини биламиз. Лекин, бу иш бақир-чақир билан амалга оширилмаслиги керак-да. Қолаверса, йигитлар буткул бегуноҳ, шундай вазиятда бақиришга умуман ҳожат йўқ эди. Отахонлар ёшларга намуна бўлишса, қандай яхши...

Сўзимни мухтасар қилиб, демоқчиманки, бобожонларим, бувижонларим, амакию холажонларим, биз сизларни жуда-жуда севамиз. Сизларга ўхшаш учун ҳаракат қиламиз. Аммо... Трамвайдаги отахонга ҳавас қилмаймиз.

***Ирода ПЎЛАТОВА,** Тошкент.*

Ҳар тўғрида

СОҚОЛ ФОЙДАЛИМИ?

ФРАНЦИЯДАГИ Леон университетининг физиологлари соқол қишда юз пастки қисмининг иссиқ тутилишига ёрдам бериб, ёзда, айниқса, жисмонан зўриқиб ишлаганда кишининг боши ва миясининг ортиқча қизиб кетишига олиб келишини аниқладилар. Бу юрак мушакларига қўшимча юк бўлиб тушади. Соқол қанча катта бўлса, бошдаги соч толалари шунчалик кўп тўкиларкан. Соқол кал бўлишга «ёрдам» беради.

Об-ҳаво

ЯНА ЁМҒИР...

Республика гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, бу сафар ҳам тоғлик ва тоғолди туманларида қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтади. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 31-36 даража атрофида бўлади. Вилоятимизнинг бошқа ерларида ҳаво очиқ бўлиб, ҳарорат 34-39 даража иссиқ бўлиши кутилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги космонавт-учувчи В.А.Жонибековга онаси **Евдокия ФЁДОРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0364. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 13.352 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.30.